ISSN:2181-1458

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI

ILMIY AXBOROTNOMA 2022

- НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА
- SCIENTIFIC BULLETIN OF NAMANGAN STATE UNIVERSITY

11

ISSN:2181-0427
journal.namdu.uz

Bosh muharrir: *Namangan davlat universiteti rektori S.T.Turg'unov*
Mas'ul muharrir: *Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor v.v.b D.B.Dexqonov*
Mas'ul muharrir o'rinbosari: *O'quv ishlari bo'yicha prorektor D.S.Xolmatov*

T A H R I R H A Y ' A T I

Fizika-matematika fanlari: akad. S.Zaynobiddinov, akad. A.A'zamov, f-m.f.d., prof. B.Samatov, f-m.f.d., dots. R.Xakimov, f-m.f.n., dots. B.Abdulazizov, f-m.f.n., dots. A.Xolboyev.
Kimyo fanlari: akad. A.To'rayev, akad. S.Nigmatov, k.f.d., prof. Sh.Abdullayev, k.f.d., prof. T.Azizov, k.f.n., dots. T.Sattorov, k.f.n., dots. A.Hurmamatov.
Biologiya fanlari: akad. K.Tojibayev, akad. R.Sobirov, b.f.d., dots. A.Batashov, b.f.d. N.Abdurahmonov, b.f.d., dots. F.Kushanov, b.f.d. A.Kuchboyev, PhD. O. Turginov.
Texnika fanlari: t.f.d., prof. A.Umarov, t.f.d., prof. S.Yunusov.
Qishloq xo'jaligi fanlari: g.f.d., prof. B.Kamalov, q-x.f.n., dots. A.Qazaqov.
Tarix fanlari: akad. A.Asqarov, s.f.d., prof. T.Fayzullayev, tar.f.d, prof. A.Rasulov.
Iqtisodiyot fanlari: i.f.d., prof. N.Maxmudov, i.f.d., prof.O.Odilov.
Falsafa fanlari: f.f.d., prof. M.Ismoilov, f.f.n., Z.Isaqova, f.f.d., G.G'affarova, f.f.n. N.Zaynobiddinova, f.f.n., dots. T.Ismoilov, PhD. A.Abdullayev.
Filologiya fanlari: fil.f.d., prof. N.Uluqov, fil.f.d., prof. H.Usmanova, PhD. H.Solixo'jayeva, PhD. U.Qo'ziyev, PhD. H. Sarimsoqov, fil.f.d., N.Dosboyeva, fil.f.n., dots. S.Misirov.
Geografiya fanlari: g.f.d., dots. B.Kamalov, g.f.d., prof. A.Nigmatov.
Pedagogika fanlari: p.f.d., prof. U.Inoyatov, p.f.d., prof. B.Xodjayev, p.f.d., prof. O'.Asqarova, p.f.n., dots. M.Nishonov, p.f.n., dots. A.Sattarov, p.f.n.,dots. M.Asqarova, p.f.n., dots. Sh.Xo'jamberdiyeva, p.f.n., dots. S.Abdullayev.
Tibbiyot fanlari: b.f.d. G'.Abdullayev, tib.f.n., dots. S.Boltaboyev.
Psixologiya fanlari: p.f.d., prof Z.Nishanova, p.f.n., dots. M.Maxsudova.
Texnik muharrir: *N.Yusupov.*

Tahririyat manzili: Namangan shahri, Bobur shox ko'chasi, 161-uy
Faks: (0369)227-07-61 ***e-mail*:** info@namdu.uz

Ushbu jurnal 2019 yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosati qarori bilan fizika-matematika, kimyo, biologiya, falsafa, filologiya va pedagogika fanlari bo'yicha Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"NamDU ilmiy axborotnomasi – Научный вестник НамГУ" jurnali O'zbekiston Matbuot va axborot agentligining 17.05.2016-yildagi 08-0075 raqamli guvohnomasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi (AOKA) tomonidan 2020-yil 29-avgust kuni 1106-sonli guvohnomaga binoan chop etiladi. "NamDU Ilmiy Axborotnomasi" elektron nashr sifatida xalqaro standart turkum raqami (ISSN-2181-1458)ga ega NamDU Ilmiy-texnikaviy Kengashining 2022-yil 10-noyabrdagi kengaytirilgan 11-sonli yig'ilishida muhokama qilinib, ilmiy to'plam sifatida chop etishga ruxsat etilgan (Bayonnoma № 11). Maqolalarning ilmiy saviyasi va keltirilgan ma'lumotlar uchun mualliflar javobgar hisoblanadi.

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI 2022

yo‘nalishdagi kommunikativ jihatlarni kuchaytirish filologik yoki nofilologik o‘quv yurtlarida o‘quv maqsadlari va o‘qitish mazmunini o‘zgartirishda aks etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Anthony.E.M. "Approach, Method, and Technique". ELT Journal. 1963, XVII (2): 63–67.doi:10.1093/elt/XVII.2.63.
2. Hymes, D. H. (1971). On communicative competence. In J. Pride and J. Holmes (Eds.), Sociolinguistics. Penguin, 1972. (Excerpt from the paper published 1971, Philadelphia, University of Pennsylvania Press.).
3. Kuzmina N.V. Professionalizm lichnosti prepodavatelya i mastera proizvodstvennogo obucheniya. M., 1990.
4. Markova A.K. Psixologicheskiy analiz professionalnoy kompetentnosti uchitelya / /Sovetskaya pedagogika. 1990. №8.
5. Petrovskaya L.A. Kompetentnost v obщenii. Sotsialno-psixologicheskiy trening – M.: Izd-vo MGU, 1989. – 216 s.
6. Saydalieva N.F. Chet Tillarini O’qitishda Kommunikativ Yondashuv //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – T. 2. – №. Special Issue 20. – S. 275-281.

БОБОЖОН САНОИЙНИНГ БЕРЛИН ДАВЛАТ КУТУБХОНАСИДА ЯГОНА НУСХАДА САҚЛАНАЁТГАН “МАЪОРИФУН НАСАБ” ҚЎЛЁЗМАСИ ХУСУСИДА

Халлиева Гулноз Искандаровна, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва шарқшунослик университети профессори,
Адамбаева Наргиза Кадамбаевна, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали PhD катта ўқитувчиси, mumtaz1980@mail.ru,

Аннотация:*Ушбу мақолада XIX аср охири XX аср бошида Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида яшаб ижод қилган иқтидорли шоир, тарихчи, мутасаввуф олим Бобожон Саноийнинг Германиянинг Берлин давлат кутубхонасида(Staatsbibliothek zu Berlin)ягона нусхада сақланаётган “Маьорифун насаб” (The enlightenment of genealogies) қўлёзмасининг хусусиятлари очиб берилган. Мақола Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилаётган“Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва “Yevroturcologica.uz” электрон платформасини яратиш” инновацион лойиҳаси доирасида тайёрланган. Ушбу лойиҳа таркибида бир қанча профессор олимлар фаолият юритади. Мазкур лойиҳа объекти — Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмалар бўлиб, илмий мақсад — улар ҳақидаги маълумотлар базасини яратишдан иборат.*

Калит сўзлар*: Бобожон Саноий, Германия, “Маьорифуннасаб”, Хоразм тарихи, В.В.Бартольд, Ю.Брегель, шарқшунослик, қўлёзмалар, фондлар*

A SINGLE COPY IS PRESERVED IN THE BERLIN STATE LIBRARY OF BABOJON SANOYI "MA'ORIF UN NASAB" MANUSCRIPT

Hallieva Gulnoz Iskandarovna, professor of Uzbekistan State University of World Languages and Oriental Studies
Adambaeva Nargiza Kadambaevna, PhD senior lecturer of Urganch Branch of Tashkent Medical Academy, mumtaz1980mail.ru, +998914245115

www.journal.namdu.uz
ISSN: 2181-0427

Abstract: *In this state, the characteristic manuscript "Maorif un nasab" ("Prosvetlenie genealogii"), which is stored in a unique copy in the State Library of Berlin (Staatsbibliothek zu Berlin) by the talented poet, historian, scholar and mystic Bobodjon Sanoya, who lived in the Khorezm region of Uzbekistan in 19 - nachale 20 vv. The article is prepared in the framework of the innovative project "Creating basic data in Turkish manuscripts, storing in European funds, which are online in Uzbekistan, and in the electronic platform "Euroturcologica.uz", established in the Tashkent State University of Eastern Europe. There are many professors and teachers working on the project. Ob'ektom dannogo proekta yavlyayutsya turetskie manuscripti, xranyashchiesya v evropeyskikh fundax, kotorykh net v Uzbekistane, a nauchnoy tselyu yavlyaetsya sozdanie bazy dannyx o nix.*

Keywords: *Babadjan Sanai, Germany, "Maorif un nasab", history of Khorezm, V.V. Barthold, Yu. Bregel, vostokovedenie, manuscript, fund;*

ЕДИНСТВЕННЫЙ ЭКЗЕМПЛЯР РУКОПИСИ БАБАДЖАНА САНАИ "МАОРИФ УН НАСАБ" КОТОРЫЙ ХРАНИТСЯ В БЕРЛИНСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ БИБЛИОТЕКЕ

Халлиева Гулноз Искандаровна, профессор Узбекского государственного университета мировых языков и востоковедения
Адамбаева Наргиза Кадамбаевна, к.м.н. старший преподаватель Ургенчского филиала Ташкентской медицинской академии, mumtaz1980mail.ru, +998914245115

Аннотация: *В данной статье раскрывается характеристика рукописи «Маорифун насаб» («Просветление генеалогий»), хранящейся в единственном экземпляре в Государственной библиотеке Берлина (Staatsbibliothek zu Berlin) талантливого поэта, историка, ученого-мистика Бабаджана Санаи, который проживал в Хорезмской области Узбекистана в конце 19 - начале 20 вв. Статья подготовлена в рамках инновационного проекта «Создание базы данных турецких рукописей, хранящихся в европейских фондах, которых нет в Узбекистане, и электронной площадки «Euroturcologica.uz», осуществляемого в Ташкентском государственном университете востоковедения. В этом проекте работают несколько профессоров и ученых. Объектом данного проекта являются турецкие рукописи, хранящиеся в европейских фондах, которых нет в Узбекистане, а научной целью является создание базы данных о них.*

Ключевые слова: *Бабаджон Санаи, Германия, «Маориф ун насаб», история Хорезма, В.В.Бартхольд, Ю.Брегель, востоковедение, рукописи, фонды*

Сўнгги йилларда қадим тарихимиз ва бой маданиятимизни тиклаш, буюк алломаларимиз қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, ёш авлодни шу эзгу анъаналар руҳида тарбиялаш бўйича кўп хайрли ишлар қилинди. Жумладан, «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги2017 йил 24 майдаги мамлакатимиз Президентининг 2995-сон Қарорида белгиланган вазифалардан бири, нафақат юртимиздаги, балки хориждаги қўлёзмаларимизни ҳам тадқиқ ва тарғиб қилишга қаратилган. Бундан ташқари, 2022 йилнинг 11 июнида ЎзР Вазирлар Махкамасида ўтказилган 126-сон йиғилиши қарори билан мамлакатимиз фондини бойитиш мақсадида хориж фондларида сақланаётган Ўзбекистон тарихий-маданий меросига оид ноёб

www.journal.namdu.uz
ISSN: 2181-0427

китобларни олиб келиш, қўлёзмаларни сотиб олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Бугунги кунда шарқшунослик йўналишида амалга оширилаётган кўпгина илмий лойиҳалар ана шу вазифаларнинг ижросига қаратилган.

"Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва "Yevroturcologica.uz" электрон платформасини яратиш" инновацион лойиҳа режаси асосида ва янги қўлёзмаларни топиш мақсадида 2021 йил декабрь ойида Германия, 2022 йил март ойида Франция, Венгрия кутубхоналарига илмий сафарлар уюштирилди. Натижада Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган бир қанча қўлёзмалар аниқланди, айримларининг фотонусхалари олиб келинди.

Лойиҳа режаси асосида 2021 йил декабр ойида Германиянинг Берлин кутубхонасида (Staatsbibliothek zu Berlin) мавжуд қўлёзма асарлар ўрганилди. Жами 239 та қўлезма кўздан кечирилди. Шундан 43 таси Навоий асарлари, қолганлари турли хил тематикага: тарих,фалсафа, тил, адабиётга оид туркий асарлар экани аниқланди. Туркий қўлёзмалар орасида Хоразм тарихига оид бўлган Бобожон Саноийнинг асари ҳам мавжуд бўлиб, асар номи муаллиф томонидан «Маъорифун насаб" деб номланган. Каталогларни солиштирганимиздан ва бу асар ҳақидаги қатор илмий мақолалар билан танишганимиздан кейин бу ноёб асар бошқа қўлёзма фондларда мавжуд эмаслиги, автограф эканлиги маълум бўлди.

Қўлёзмадан маълум бўлишича, асар 1864 йилда ёзиб тугалланган. Ушбу асарда Хоразм тарихига оид маълумотлар жуда чиройли услубда,юқори савияда, насрий ва назмий усулда ёзилган. Асар тарих ва адабиёт учун бир хилда қиммат касб этади, сабаби, тарихий фактлар баёни баробарида турли хил ривоятлар, лирик тур жанрларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари

Мақолада қиёсий-типологик, структурал таҳлил усуллари қўлланилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Бу асар ҳақида илм фанга биринчи бўлиб ахборот берган шарқшунос олим В.В.Бартольд саналади. Олим 1929 йилда Германия кутубхоналарига илмий сафари давомида ушбу асарни топади ва илк ахборотни беради. Ушбу мақолада В.В.Бартольдан олдин бу қўлёзмани ким кўргани, ким ўргангани ҳақида маълумот берилмаган. Демак, асар ёзилганидан (1864) ва Берлин кутубхонасида аниқланган санага қадар (1929) бу қўлёзмани ҳеч ким кўрмаган ёки ўрганишга улгурмаган бўлиши мумкин.

В.В.Бартольд асарнинг умумий хусусиятлари ҳақида ўз фикрларини билдирар экан, Бобожон Саноийнинг нақадар иқтидор эгаси эканини, унинг қўлёзма асари Германияда эмас, ўз юртида ёки Ленинградда сақланмоғи кераклигини таъкидлаган эди. *(По поводу судьбы рукописи едва ли кто будет спорить, что ей следовала бы находиться или в Ленинграде или в Средней Азии, а не в Берлине, где едвали будут интересоваться новой историей Хорезма)*[18] 1978 йилда америкалик олим ЮрийБрегельнинг бу қўлёзма хақидаги мақоласи эълон қилинади [19] . В.В.Бартольддан фарқли равишда, даставвал муаллиф Бобожон Саноий

[18]Бартольд В.В. Новый источник по истории Хорезма. Соч. Т.VIII. −М.:Наука, 1973.−С.578.

[19]Y. Bregel The Tawārīkh-i Khārazmshāhiya by Thanā'ī: The Historiography of Khiva and the Uzbek literary language' Aspects of Altaic civilization II. Indiana university Uralic and Altaic series, volume 134, Bloomington, 1978. -P. 17-32

www.journal.namdu.uz
ISSN: 2181-0427

ижодининг, жумладан, мазкур қўлёзманинг ўрганилиш тарихини ёритади. Жумладан, В.В.Бартольдан кейин Бобожон Саноий ижоди ҳақида турк олими Фуод Кўпрулузода (1945) ва бошқирд олими Заки Валиди Туғон (1948) "Ислом қомуси" китобининг учинчи ва бешинчи жилдларида, венгриялик олим Янош Экман эса 1964 йилда "Philologiae Turciacae Fundamenta" илмий тўпламида қисқа ахборотлар берганликларини маълум қилади[20]. Юрий Брегель 1960 йилда Германиядан қўлёзманинг микрофильмини олишга муваффақ бўлади ва қисман ўрганиб чиқади. Асосан, асарни ўзи ўрганган бошқа тарихий асар, яъни Хива адабий муҳитининг кўзга кўринган шоир, олим ва давлат арбоблари Мунис ва Огаҳийнинг "Фирдавс ул иқбол" тарихий асари билан таққослайди, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлайди.

Ўзбекистонда Бобожон Саноийнинг адабий-ирфоний мероси маълум даражада ўрганилган, аммо айнан бу асари тадқиқ қилинмаган. Ўзбек адабиётшунослигидаги дастлабки маълумотларни ўз даврида таниқли адабиётшунос Н.Комилов ёзиб қолдирган[21].

Ш.Шакированинг тадқиқотида Хоразм тасаввуф мактабининг етук намоёндаси, тасаввуфий-ирфоний асарлар муаллифи, иқтидорли шоир, адиб, тарихнавис ва таржимон Бобожон Саноийнинг ҳаёти ва адабий мероси, жумладан, унинг «Канз ул-маориф» ва «Ҳадиқаи азҳор» асарлари матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишида тадқиқ этилган.[22] Диссертацияда «Канз ул-маориф» ва «Ҳадиқаи азҳор» асарлари асосида Бобожон Саноийнинг шоир ва адиб сифатидаги маҳорати кўрсатиб берилган.

Асосий қисм

400 бетдан иборат бу автограф қўлёзма, Хоразм тарихининг ноёб намунаси ҳали ҳануз ўз тадқиқотчисини кутмоқда эди. Германияга сафаримиз чоғида бу асарни топишимиз осон бўлмади. Чунки В.В.Бартольд ўз мақоласида бу асар номини "Таворихи Хоразмшоҳия" деб келтирган. Аммо Берлин кутубхонаси каталогида асар номи «Маъорифун насаб" деб ёзилган. Бу фарқнинг сабабини қўлёзмани ўзимиз кўргач, аниқлаштиришга муваффақ бўлдик. Ҳақиқатда қўлёзма бошида асар номи муаллиф томонидан «Маъорифун насаб" деб берилган, асар охирида эса маълумотлар характеридан келиб чиқиб, "Таворихи Хоразмшоҳия" деб ёзилган. Шунинг учун ҳам ўз даврида шарқшунос олим Х.Ф.Хоффман, қўлёзмани кўрган бошқирд олими Заки Валидий Тўғоннинг фикрларига таяниб, бу қўлёзманинг таркибида иккита асар бор деган хулосага келади[23], аслида эса бу битта асарнинг иккита номи саналади.

Асар ва унинг муаллифи ҳақидаги барча маълумотлар: яратилиш тарихи, таркиби, тили, ибтидоси ва интиҳоси хусусида қўлёзманинг ўзидан билиб олиш мумкин. Масалан, муаллиф ўзи ва тахаллуси ҳақида шундай ёзади: *"Чун бу фақир Мулло Бобожон ибн Худойбердибек манқит Эшбуга қабиласидин, маъно аҳли эшикларининг гадойи, ал-мутахаллус*

[20]Y. Bregel The Tawārīkh-i Khārazmshāhiya by Thanā'ī.-P. 18.

[21]Комилов Н. Хорезмская школа перевода. Докт.дисс., – Т.: 1987.С 142-143.

[22]Шакирова Ш. Бобожон Саноийнинг фалсафий-ирфоний қарашларига доир асарлари. Шарқшунослик. Тошкент: ТошДШИ, 2006. №1. 145-148 б.; Бобожон Саноийнинг адабий-ирфоний мероси: филол. фанлари номз. ... дисс. Тошкент, 2018.

[23]Hofman H.F. Turkish Literature: A Bio-Bibliographical Survey: Section III. Part 1. – Vol. 5. Utrecht, The Library of the University of Utrecht, 1969. –P.163.

www.journal.namdu.uz
ISSN: 2181-0427

бил Саноий ғафараллоҳу таъоло...”[24] Демак, асар муаллифининг исми Бобожон, тахаллуси Саноий бўлган.

Ю.Брегель ўз мақоласида Бобожон Саноийнинг манғит уруғидан эканлиги, отаси Худайбердибек кўп йиллар сарой муҳитида хизмат қилгани, кейинчалик эса суфийлик мақомини танлаб, ўғли Бобожоннинг таьлим тарбияси билан шуғулланган, Саноийнинг ўзи эса Хива жума мачитида имом хатиблик лавозимида ишлагани ва «Маъорифун насаб” асарини 1863-1864 йилларда вазир Хасанмурод Қушбеги таклифи ва топшириғига кўра ёзгани каби муҳим маълумотларни қуйидагича маълум қилади: *“The author’s full name is Mulla Babajan b. Mulla Khudai-Birdi Bek Mangit from the clean Ish-Buga, with the penname Thana’i. His ancestors were cheiftains of the Uzbek tribe Mangit in Khorezm. One of them, Mengli - Kuli Atalik, built, on a commission from khan Anusha (the son of Abulghazi), the canal Shahbad in 1681.The descendants of this Mengli-Kuli Atalik were ”old servants” both of the Khans from the house of Kungrat and of the family of Shah - Niyaz Atalik (relatives of the khans). Thana is father, Khudai - Birdi bek, served at the beginning of the 19 century under the cheiftain of the ruling Uzbek tribe Kungrat Shah - Niyaz Atalik, distinguished himself by many Exploits in various campaigns, but later gave up the profissional of soldier (sipahigarlik), became a pious sufi and devoted himself to the teaching of his son (our author). His father sold inherited land to the khan’s brother, Kutlugh - Murad Inak. The author himself served as an imam and khatib at the friday mosque in Khiva, in the locality Baghche (near the northern gates of the city) from the time of the khan Kutlugh - Murad, who ruled from September, 1855, until February, 1856.Thana i claims that, due to his khutbas, his mosque had been famous and flourishing. In 1280/1863- 64 the ”great vizier” Hasan - Murad Kushbegi (the son of imam of a newly built (by the khan Sayid Muhammad) mosque in the locality of Nurulla-bai in the locality of Khiva,, and at the same time instructed him to write a history of Khiva . This task was accomplished by Thanai in the same year on the last day of the month Dhu-l-kada’da* (may7, 1864)”[25].

Ю.Брегель шоирнинг насл насабига оид фикрларга тўхталар экан, бу борада илмий адабиётларда асар мазмуни билан чуқур танишмаслик сабабидан айрим хатолар борлигини ёзади. Жумладан,унингтаъкидлашича, шарқшунос олим Х.Ф.Хоффман ўзининг туркий адабиётга бағишланган китобида [26] Бобожон Саноийни Хива хони Элтузархоннинг невараси, тарихчи Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг отаси деб изоҳлайди. *“This is the information about the author that may be obtained from his historical work and some erroneous statements on the author, due to a misunderstanding,may be found in the new bibliographical survey of Turkish literature by M.F. Hofman (p.163) According to Hofman, Mulka Babajan was a ”grandson of Iltuzar Han ” and father of the Khiva historian of the early 20 th century Muhammad-Yusuf b. Babajan Bek Bayani.*[27].

Албатта, мазкур асар ёзилгунга қадар ҳам Хоразм тарихига оид асарлар бўлган. Масалан, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”(1664), Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул иқбол”(1840), Эшмурод Охуннинг “Тарихи Саййиди Мухаммадхоний” (1861) асарлари

[24]Бобожон Саноий Маъорифуннасаб. Германия. Берлин кутубхонаси. Қўлёзма. -3 б.
25Y. Bregel The Tawārīkh-i Khārazmshāhiya by Thanā’ī. -P. 19.

[26]Hofman H.F. Turkish Literature: A Bio-Bibliographical Survey: Section III. Part 1. – Vol. 5. Utrecht, The Library of the University of Utrecht, 1969. -305 p
[27]Y. Bregel The Tawārīkh-i Khārazmshāhiya by Thanā’ī. -P. 20.

www.journal.namdu.uz
ISSN: 2181-0427

шулар жумласидандир. Бобожон Саноийнинг бу асари ўзигача бўлган тарихга оид асарлардан кўра содда, тушунарли тилда ёзилган. Сабаби асарни ёзишга ундаган, ўша даврда вазир бўлган Ҳасанмурод Қушбеги(1864) бу асарнинг тили оддий халқ учун ҳам тушунарли бўлиши кераклиги талабини қўяди: *"Лекин кўб-кўб иборатда фасоҳат ва балоғат изҳор этиб, сўзга татвил ва такмил бериб ҳикоятини эл фаҳмидин узоқ қилибдурлар. Ондоғким, бу замон аҳлининг зеҳнлари ул маъонийлар диққатидин қосир ва ожиздур. Ул сабабдин сан бир тарих жамъ этгилким, сўзи мўъжаз ва ўзи мухтасар бўлсун. Ул тариқадаким, замон аҳлининг ҳушлари етушгудек, балким авом аҳли тушгудек (яъни, тушунгудек) нусха ёзгил, токим сандин ва бизлардин ёдгор бўлсун. Ва қолғон авлодуаҳфод ва тамоми хешу ақраболаримизга аслу насабларимиз собит ва пойдор бўлсун"*[28].

Бобожон Саноийнинг "Маъорифун насаб" асари аньанавий ҳамду сано билан бошланган, муқаддима, бешта бобдан иборат. Муаллиф ёзган қуйидаги изоҳдан маълум бўлишича, асар сўнгида хотима ёзишни, унда авлиёлар, соҳиби давлат беклар, покиза табиатли шоирлар,донишманд фозиллар ва фалотун фикрат ҳакимлар ва яна бир нечта ажойиб ва ғаройиб ишлар ҳақида баён қилишни режалаштирган, аммо бу қисм қўлёзмада ўз аксини топмаган.*«Эмди, бу китоби мустатоб бир муқаддима бирла беш боб ва бир хотимаға тақсим топди. Ҳазрат Изид комбахшдин умиди содиқ ва рижои восиқдурким, ифтитоҳининг унвонин иҳтитоми татиммасиға еткургай. Яъни аввалидин охиригача битмакни ва тамом этмакни насибу рўзи қилғой, омин"*[29]. Асар муқаддимасиХива хони Элтузархоннинг таърифу тавсифига, биринчи боб Одам алайҳиссаломдан то Нуҳ алайҳиссаломгача, иккинчи боб Ёфас бин Нуҳ алайҳиссаломдан то Қўнгирот жамоасининг зикри ва подшоҳларнинг воқеъаларининг баёни, учинчи боб Қурлос авлодидин подшоҳ бўлганларнинг наслу насаби баёнига, тўртинчи боб ҳазрати подшоҳ соҳибқирон, яъни Элтузархоннинг обову аждод ва ато боболарининг баёнига, бешинчи боб Элтузархоннинг туғилганидан то бу китоб ёзилган вақтгача бўлган воқеалар баёнига бағишланган.

Хулоса

Хоразм тарихига оид "Маъорифун насаб" ни ўқиш ва ўрганиш жараёнида Бобожон Саноийнинг ҳақиқатда ҳам иқтидор эгаси эканлигига амин бўлдик. Асарда тарихий воқеалар баёни баробарида бир неча ривоятлар,ҳикоятлар ва 700 мисрадан ортиқ шеърий парчалар ҳам берилган. Шеърий байтлар орасида нафақат Саноийнинг ўз ижоди намуналаридан балки, Низомий, Паҳлавонқули Равнақ, Музаффар ҳожаи Киромий, Мирзо Масиҳо, Вафоий, Сайид Муҳаммад Охунд каби шоирларнинг шеърларидан ҳам мисоллар келтирилган. Бундан ташқари адиб тил билиш қобилиятини амалда намоён қилиб, ўзбек,араб,форс тилидан унумли фойдаланган. Ўрни билан араб тилида оятлардан, форс тилида турли лирик жанрдаги шеърлардан мисоллар келтирган.

Яқинда (10.2022) адабиётшунос олима Наргиза Адамбаева томонидан «Маъориф ун насаб" асарининг тўлиқ табдили амалга оширилди.Ушбу ноёб манба тез кунларда бир гуруҳ олимлар таҳрири ва тақризи асосида илмий жамоатчиликка маълум қилинади.

Ҳар бир миллат адабиёти дунё бадиий тафаккурининг ажралмас қисмини ташкил қилади. Жаҳон халқларининг қизиқиши ва ўқиши бадиий адабиёт аҳамиятини белгиловчи асосий

[28]Бобожон Саноий Маъорифуннасаб. Қўлёзма. -3 б.

[29]Бобожон Саноий Маъорифун насаб. Қўлёзма. -4а.

www.journal.namdu.uz
ISSN: 2181-0427

мезонлардан ҳисобланади. У ёки бу халқнинг жаҳонда танилиши, энг аввало, ўша халқ маданияти, санъати ва адабиётининг қандай миқёсда тарқалиши ва тан олинишига боғлиқдир.Бобожон Саноийнинг Германияда сақланаётган «Маъорифун насаб" асари келажакда нафақат юртимиз, балки жаҳон илмий-фалсафий тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Новый источник по истории Хорезма. Соч. Т.VIII. –М.:Наука, 1973.–С.578.
2. Бертельс Е.Э. Наваи и Аттар. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература – M.Haya,1965. -C.377-421
3. Бобожон Саноий "Маъориф ун-насаб". Қўлёзма. Германия. (Staatsbibliothek zu Berlin).
4. Y. Bregel The Tawārīkh-i Khārazmshāhiya by Thanā'ī: The Historiography of Khiva and the Uzbek literary language' Aspects of Altaic civilization II. Indiana university Uralic and Altaic series, volume 134, Bloomington, 1978. -P. 17-32
5. Комилов Н. Хорезмская школа перевода. Докт.дисс., – Т.: 1987.С 142-143.
6. Шакирова Ш. Бобожон Саноийнинг фалсафий-ирфоний қарашларига доир асарлари. Шарқшунослик. Тошкент: ТошДШИ, 2006. №1. 145-148 б.;
7. Шакирова Ш. Бобожон Саноийнинг адабий-ирфоний мероси: филол. фанлари номз. ... дисс. Тошкент, 2018.
8. Hofman H.F. Turkish Literature: A Bio-Bibliographical Survey: Section III. Part 1. – Vol. 5. Utrecht, The Library of the University of Utrecht, 1969. –P.163.

ПАРЕМИК БИРЛИКЛАР ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИНИ АКС ЭТТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Мирзаева Дилшода Икромжоновна, филология фанлари доктори, катта ўқитувчи, Фарғона давлат университети инглиз тили кафедраси мудири

Аннотация: *Мақол ва маталлар оламнинг тилдаги манзарасини яратишда алоҳида аҳамият касб этади. Улар миллат ҳаётининг кўзгусидир. Оламнинг лисоний манзараси сифатида мақолларда тил соҳибларининг нарсалар, белгилар, ҳаракатлар, теварак-атрофдаги оламнинг, биринчи навбатда, онгнинг малакали фаолияти билан боғлиқ бўлган утилитар, аксиологик, ахлоқий-этик баҳоларга таянадиган содда ва мураккаб, илмий ва ноилмий тасаввурлари ўз аксини топади.*

Калит сўзлар: *мақол, матал, тил, қиёслаш, паремик бирликлар, мето.*

ПАРЕМИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ КАК СРЕДСТВО ОТРАЖЕНИЯ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЫ МИРА

Мирзаева Дильшода Икромжоновна,доктор филологических наук, старший преподаватель, заведующая кафедрой английского языка Ферганского государственного университета